

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

БУХОРО ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ
КЎРСАТКИЧЛАРИ
2017 йил январь-март**

Бухоро – 2017 й.

СЎЗ БОШИ

Бухоро вилоятининг статистик ахборотномаси – Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Бухоро вилояти статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2017 йил январь-март ойлари яқунлари бўйича Бухоро вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,D,E,F секциялари). қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Секция А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯХМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 11 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

**Асосий иқтисодий ва ижтимоий
кўрсаткичлар**

	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь-март	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	млрд. сўм	2172,0	106,6
Саноат маҳсулоти	млрд.сўм	1808,6	106,6
Истеъмол товарлари	млрд. сўм	898,6	109,3
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	млрд. сўм	346,9	106,7
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	млрд.сўм	2352,8	170,3
Қурилиш ишлари	млрд. сўм	542,9	109,2
Юк айланмаси	млн. тн-км	343,7	107,1
Йўловчи айланмаси	млн. йўловчи-км	895,9	105,2
Чакана товар айланмаси	млрд. сўм	1210,4	112,6
Хизматлар, жами	млрд. сўм	1009,3	111,7
Ташқи савдо айланмаси	млн. АҚШ долл.	98,8	59,2
Экспорт	млн. АҚШ долл.	52,3	69,5
Импорт	млн. АҚШ долл.	46,5	50,7
Иш қидирувчилар сифатида рўйхатда турганлар (ҳисобот даври охирига), *)	киши	383	2,8 м
шу жумладан, расман ишсизлик мақомини олганлар, киши	киши	271	2,0 м

*) Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотлари бўйича

Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш


Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-мартда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 2172,0 млрд.сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 106,6 фоизга тенг бўлди.

Январь-март ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:


	млрд.сўм		ўсиш суръати, %
	2016 йил январь-март	2017 йил январь-март	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	1860,4	2172,0	106,6
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	1621,1	1912,1	106,7
Маҳсулотларга соф солиқлар	239,3	259,9	105,8
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	1621,1	1912,1	106,7
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	121,9	135,3	106,7
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	713,6	849,3	105,9
саноат	510,9	606,2	104,6
қурилиш	202,7	243,1	109,2
Хизматлар	785,6	927,5	107,5
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	178,9	211,2	108,7
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	202,6	230,5	107,2
бошқа хизматлари	404,1	485,8	107,1

Январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

2016 йил



2017 йил



Жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қурилиш (109,2%) ва савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (108,7%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келди.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 53,1 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2016 йил январь-мартда 52,3 фоизни ташкил қилган.

2017 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 48,5 фоиз (2016 йил январь-мартда 48,5 фоиз)ни ташкил қилди.

Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри базаси маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган юридик шахслар сони (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) 16414 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 15431 тани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 94,0 фоизини) ташкил қилди.


Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (23,9 фоизи), саноат (14,1 фоизи), қурилиш (9,8 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (9,5 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	16414	100,0	15431	100,0
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1560	9,5	1418	9,2
саноат	2315	14,1	2190	14,2
қурилиш	1607	9,8	1480	9,6
савдо	3927	23,9	3610	23,4
ташиш ва сақлаш	1080	6,6	1031	6,7
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	936	5,7	868	5,6
ахборот ва алоқа	216	1,3	201	1,3
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	672	4,1	666	4,3
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	4101	25,0	3967	25,7


Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 14,3 фоизи нодавлат мулки, шундан 21,8 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 63,2 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:



2017 йил январь-март ойларида жами 736 та хўжалик юритувчи субъектлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми Бухоро шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 31,2 фоизи), Ромитан (12,1 фоизи), Гиждувон (10,9 фоизи) ва Бухоро (7,1 фоизи) туманларига тўғри келади.

2017 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:



Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 13139 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 53,1 фоизи (2016 йил январь-мартда 52,3 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

638,0 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 77,5 фоизи), шундан банд бўлганларнинг 351,5 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 120,7 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 817,4 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 45,2 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-мартига нисбатан 110,2 фоизни ташкил қилди;

- 336,8 млрд.сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklarининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 6,9 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklари ялпи маҳсулотининг 97,1 фоизи) ташкил қилди.

- 254,3 млрд.сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 10,8 фоизи) ўзлаштирилди

- 384,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 70,8 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-мартига нисбатан 22,8 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 9,4 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 70,5 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 7,6 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 93,3 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 91,4 фоизи ёки 1106,7 млрд. сўми (ўсиш 13,1 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 72,4 фоизи ёки 731,1 млрд. сўми (ўсиш 11,5 фоиз) шакллантирилди;


- 15,1 млн.АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 28,9 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 14,7 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 31,7 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2017 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	336,8	100,0
Саноат	817,4	72,7
Қурилиш	384,5	70,8
Чакана савдо	1106,7	88,4
Юк ташиш, млн тн.	9,4	52,3
Йўловчи ташиш, млн.киши	81,0	86,7
Экспорт, млн.АҚШ долл.	15,1	1,3
Импорт, млн. АҚШ долл.	14,7	16,3

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ташқи иқтисодий алоқалар


Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 98,8 млн.АҚШ долларини ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 59,2 фоизни, шу жумладан экспорт 52,3 млн.АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 69,5 фоизни, импорт 46,5 млн. АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 50,7 фоизни ташкил этди.

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси куйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

(млн.АҚШ доллар)

	2016 йил январь-март	2017 йил январь-март	ўсиш суръати, %
Ташқи савдо айланмаси	166989,4	98796,9	59,2
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	85597,1	43688,3	51,0
бошқа хориж мамлакатлари	81392,3	55108,6	67,7
Экспорт	75239,8	52275,5	69,5
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	8354,2	6556,0	78,5
бошқа хориж мамлакатлари	66885,6	45719,5	69,4
Импорт	91749,6	46521,4	50,7
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	77242,9	37132,3	48,1
Бошқа хориж мамлакатлари	14506,7	9389,1	64,7

Ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа хориж мамлакатларининг улуши куйидагича ифодаланади:




Экспорт ва импорт ҳажми таркибидаги ўзгаришлар динамикаси

	Экспорт ва импорт умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмдаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2016 йил январь-март	2017 йил январь-март	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт таркиби	100,0	100,0	69,5
пахта толаси	54,5	51,6	65,8
озиқ-овқат маҳсулотлари	2,0	4,2	148,7
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	0,3	0,8	181,2
машина ва ускуналар	-	-	-

	Экспорт ва импорт умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмдаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2016 йил январь-март	2017 йил январь-март	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	16,8	25,7	105,9
қора ва рангли металллар	1,3	-	-
хизматлар	3,2	4,8	105,5
бошқалар	21,9	12,9	40,9
Импорт таркиби	100,0	100,0	50,7
озиқ-овқат маҳсулотлари	0,9	1,9	110,2
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	4,8	7,9	84,0
қора ва рангли металллар	1,6	6,8	2,1 м.
машина ва ускуналар	12,9	13,8	54,5
хизматлар	-	0,4	827,5 м.
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	75,3	62,8	42,3
бошқалар	4,5	6,4	71,6

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби
умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида





Вилоятнинг ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган
давлатлар билан товар айланмаси:

	Вилоятнинг ташқи товар айланмасидаги улуши, фоиз ҳисобида	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Россия Федерацияси	27,7	48,2
Эрон	18,6	46,2
Афғонистон	12,4	95,0
Туркменистон	11,4	48,1
Хитой	9,7	78,0
Қозоғистон	3,1	115,6
Туркия	1,5	76,6
Украина	1,0	47,6
Жанубий Корея	0,3	7,7



Ҳисобот даврида вилоят жаҳоннинг 52 дан ортиқ мамлакати билан ташқи савдо операцияларини амалга оширди ва 16 дан ортиқ мамлакат билан ижобий сальдога эга бўлди.

2017 йил январь-март ойларида МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо айланмаси таркиби куйидагича ифодаланади:

Экспорт



Импорт



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Қора ва рангли металлар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Энергия ресурслари
- Бошқалар

Саноат

2017 йил январь-март ойларида саноат маҳсулоти ҳажми 1808,6 млрд.сўмни ёки ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,6 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 898,6 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 109,3 фоизни ташкил этди. Жумладан, 440,1 млрд.сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 458,5 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 113,6 фоиз ва 105,5 фоиз ишлаб чиқарилди.

2017 йил январь-мартда саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:


	млрд.сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	1808,6	106,6
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	141,8	93,7
улардан:		
Кўмир ва лигнит, хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	81,8	96,6
Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	2,7	100,7
Тоғ-кон саноати соҳасидаги техник хизматлар	57,3	89,3
Ишлаб чиқарадиган саноат	1582,2	107,6
ундан:		
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	474,5	112,5
Ичимликлар ишлаб чиқариш	7,9	108,2
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	268,9	110,1
Кийим ишлаб чиқариш	178,3	104,6
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	2,4	182,7

	млрд.сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	1,1	85,6
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	462,3	103,3
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	38,7	104,9
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	3,2	99,2
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	75,0	101,2
Металлургия саноати	0,4	19,0
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	41,8	106,1
Мебел ишлаб чиқариш	26,0	152,3
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	1,7	95,3
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	72,4	116,2
Сув билан таъминлаш: канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	12,2	98,5
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	898,6	109,3
шу жумладан		
озик-овқат товарлари	440,1	113,6
ноозик-овқат товарлари	458,5	105,5


Тармоқлар бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш таркиби қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

2016 йил январь-март



2017 йил январь-март



■ Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш

■ Ишлаб чиқариладиган саноат

■ Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

■ Сув билан таъминлаш: канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш

**Саноат тармоқлари бўйича асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш
(йирик корхоналар бўйича)**

	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь-март	2016 йил январь-мартга нисбатан % да
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш			
Нефт ва газ конденсати	минг.тн	23,8	97,9
Табиий газ	млн.м.куб	1291,3	96,5

	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь-март	2016 йил январь-мартга нисбатан % да
Ишлаб чиқарадиган саноат			
Бензин	минг тн	198,0	87,5
Дизел ёқилғиси	минг тн	161,0	140,5
Мазут	минг тн	16,9	82,0
Керосин	минг тн	34,1	101,5
Суюлтирилган газ	минг тн	2,0	125,0
Ароқ	минг л 100% спирт	462,7	117,4
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	минг л 100% спирт	10,0	100,0
Узум виноси	минг л	360,0	146,4
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	минг тн	20511,0	104,3
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	тн	1234,4	95,1
Тозаланган ўсимлик ёғи	тн	9225	96,5
Омихта ем	тн	9942,4	108,9
Пахта толаси	минг тн	46,8	98,3
Пахта чигити	минг тн	59,9	94,2
Пахта (линти)	тн	3642,0	108,4
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш			
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Гкал.	228,8	113,8

Қишлоқ хўжалиги

2017 йил январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми амалдаги нархларда 346,9 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 106,7 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари 57,0 млрд.сўмни (ўтган йилга нисбатан 113,4 фоизга кўп), чорвачилик маҳсулотлари 281,9 млрд.сўмни (ўтган йилга нисбатан 105,7 фоизга кўп), ўрмон, балиқчилик хўжаликлар ва бошқа хизматлар ҳажми 8,0 млрд.сўмни ва ўтган йилга нисбатан 106,0 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик тадбиркорлик субъектлари улуши 97,1 фоизни ташкил этди, жумладан деҳқон хўжалиklarининг улуши 88,9 фоизни ташкил этмоқда.

Чорвачилик. 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан йирик шохли қорамоллар 1173,1 минг бошни, (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,5 фоизга кўп), шу жумладан сигирлар 382,4 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,6 фоизга кўп), қўй ва эчкилар 1999,4 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 фоизга кўп), паррандалар 3807,4 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,8 фоизга кўп) ташкил этди.

2017 йил 1 апрель ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони қуйидагича:

	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли қорамол	1173,1	103,5
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	60,9	103,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1101,5	103,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	10,7	172,6
улардан сигирлар	382,4	100,6
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	17,4	100,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	362,1	100,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,9	120,8
Қўй ва эчкилар	1999,4	102,4
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	213,1	106,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1630,3	102,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	156,0	93,9
Отлар	4,6	100,9
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	0,6	100,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3,7	100,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,3	110,8
Паррандалар	3807,4	110,8
шу жумладан:		

	минг бош	ўсиш суръати, %
Фермер хўжаликлари	197,6	107,2
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	2513,8	108,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1096,0	116,5


2017 йил 1 апрель ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда 42421 тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,9 фоизга кўп), 170150 тонна сут (6,0 фоизга кўп), 74110 минг дона тухум (4,1 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши, асосан деҳқон хўжаликлари ҳисобидан бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 96,0 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 94,7 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 44,8 фоизни ташкил қилди.

2017 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича:

	миқдори	ўсиш суръати, %
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	42,4	105,9
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1,1	102,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	40,7	105,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,6	118,9
Сут, минг тн.	170,2	106,0
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	8,1	109,1
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	161,2	105,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,9	155,5
Тухум, млн. дона	74,1	104,1
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1,3	118,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	33,2	113,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	39,6	97,3

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланади:
ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



Фермер хўжаликлари. 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатида фермер хўжаликларида 60,9 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 17,4 минг бош сигир, 213,1 минг бош қўй ва эчкилар, 197,6 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2016 йил январь-март ойларига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 3,4 фоизга, қўй ва эчкилар 6,6 фоизга, паррандалар 7,2 фоизга кўпайган.

Фермер хўжаликларида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь-март		2017 йил январь-март		ўсиш суръати, %
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Гўшт, тирик вазнда	1070	2,7	1098	2,6	102,6
Сут	7421	4,6	8095	4,8	109,1
Тухум, минг дона	1130	1,6	1343	1,8	118,8
Қоракўл тери, дона	8729	6,2	9300	6,5	106,5
Ёпиқ ерларда етиштирилган сабзавот	536	21,9	602	20,5	112,3

Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-март ойларида вилоятнинг асосий капитални кўпайтиришга 2352,8 млрд.сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 170,3 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбаалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши куйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	Яқунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	2352,8	170,3	100,0
шу жумладан			
Марказлашган инвестициялар:	192,1	192,3	8,2
бюджет маблағлари	4,6	37,8	0,2
давлат мақсадли фонд маблағлари	122,3	73,3	5,2
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	65,3	98,7	2,8
Марказлашмаган инвестициялар	2160,7	168,6	91,8
корхоналарнинг ўз маблағлари	227,2	32,0	9,7
аҳоли маблағлари	168,0	128,8	7,1
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	1741,9	470,7	74,0
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	21,8	387,1	0,9
бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	1,8	5,7	0,1


Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибида қурилиш ва монтаж ишларининг улуши 2016 йил январь-март ойларида нисбатан 53,1 фоизга ошди ва машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 4,3 фоизга, бошқа харажатлар улуши 48,8 фоизга камайган.

2017 йил январь-мартда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

	жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	2352,8	102,7	2250,1
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида			
қурилиш-монтаж ишлари	91,1	72,3	92,0
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	5,1	19,2	4,4
Бошқа ҳаражатлар	3,8	8,5	3,6

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



- Уй-жой қурилиш
- Ишлаб чиқарадиган саноатда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлашга
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Ташиш ва сақлаш
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- Қурилиш
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқа фаолият турлари

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 159,5 млрд.сўм ёки 66,3 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2017 йилнинг январь-март ойларида умумий майдони 202,2 минг кв.м. бўлган 1361 та уй-жой (ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 122,2 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 154,6 минг кв.м. (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 121,4 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 2,1 км. узунликдаги ичимлик суви, 3,0 км. узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 19,3 ва 53,6 фоизни ташкил қилди. Ишга туширилган умумий ичимлик сув тармоқларининг 2,1 км. ёки 100,0 фоизи ва газ тармоқларининг 1,7 км. ёки 56,7 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 0,03 млрд. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,03 млрд. сўм (100,0 фоизи), газ тармоқлари қурилишига 0,05 млрд. сўм, инвестициялар ўзлаштирилди, бу 100,0 фоиз аҳоли маблағлари ҳисобига тўғри келди.


Қурилиш фаолияти. 2017 йил январь-мартда 542,9 млрд. сўмлик қурилиш пудрат ишлари бажарилиб, 2016 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 109,2 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 65,6 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 34,4 фоизи капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 518,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, қурилиш ишларининг умумий ҳажмида 95,5 фоизни (2016 йил январь-мартга нисбатан 0,4 фоизга кўпайди) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимооти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Транспорт

Юк ташиш. 2017 йилда барча транспорт турлари томонидан 11,2 млн.тонна юк ташилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 108,7 фоизга кўпайди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 343,7 млн.тн.км.ни ташкил қилди ва ўтган йилга нисбатан 107,1 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-март	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн.тн.	11,2	108,7
шу жумладан:		
автомобил транспортида	11,2	108,7
Юк айланмаси, млн.тн.км.	343,7	107,1
шу жумладан:		
автомобил транспортида	343,7	107,1

Автомобил транспортида 343,7 млн. тонна юк ташилган бўлиб, 2016 йилга нисбатан 7,1 фоизга ўсди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 7,6 фоизга кўпайди ва 197,8 млн. тн.км.ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 57,6 фоизни ташкил этди. (2016 йил январь-мартда уларнинг улуши 57,3 фоиз бўлган).

Йўловчи ташиш. Жорий йилда барча транспорт турлари томонидан 82,6 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 6,4 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 2016 йилга нисбатан 5,2 фоизга кўпайиб, 895,9 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-март	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	82,6	106,4
шу жумладан:		
автомобил транспортида	82,6	106,4
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	895,9	105,2
шу жумладан:		
автомобил транспортида	895,9	105,2

Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йилнинг январь-мартида товар айланмаси 1210,4 млрд сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 12,6 фоизга ошди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-март млн.сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	1210358,3	112,6	100,0
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	346,9	101,1	-
нодавлат мулки	1210011,4	112,6	100,0
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	970977,7	115,3	80,2

Расмий сектордаги уюшган савдо корхоналарининг савдо айланмаси ҳажми жорий йилда 344,5 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2016 йил январь-мартга нисбатан 101,6 фоизни ташкил қилди.

Норасмий секторнинг (буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар) товар айланмаси 865,9 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 17,7 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида унинг улуши 71,5 фоизни ташкил қилди.

Жорий йилда савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-март млн.сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Товар айланмаси	1210358,3	112,6	100,0
шу жумладан:			
уюшган савдо корхоналари	344416,5	101,6	28,5
уюлмаган савдо	865941,8	117,7	71,5

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 40,7 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-мартга нисбатан 105,5 фоизни ташкил қилди.

2017 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажми 1009,3 млрд.сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 271,7 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 26,9 фоизини ташкил қилди. 2016 йил январь-мартга нисбатан ҳақиқий ўсиш 111,7 фоизни ташкил этди.


2017 йил январь-март ойида кўрсатилган хизмат турлари бўйича (амалдаги баҳоларда) қуйидагича ифодаланди:

	2017 йил январь-март млн.сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз хисобида	Яқунга нисбатан фоиз хисобида
Жами хизматлар	1009317,2	111,7	100,0
шу жумладан			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	67233,0	109,5	6,7
Молия хизматлари	98517,7	123,4	9,7
Транспорт хизматлари	210803,8	110,6	20,8
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	43982,8	109,9	4,4
Савдо хизматлари	366965,5	111,2	36,3
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	31609,3	111,6	3,1
Таълим хизматлари	46182,5	105,9	4,6
Соғлиқни сақлаш хизматлари	19008,4	112,1	1,9
Ижара ва прокат хизматлари	32123,1	110,1	3,2
Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	31024,6	109,2	3,1
Шахсий хизматлар	26834,6	111,3	2,7
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	6862,3	108,7	0,7
Бошқа турдаги хизматлар	28169,6	114,2	2,8

Хизмат кўрсатишда энг катта улуш савдо (36,4 фоизи), транспорт (логистик хизматлар билан бирга) (20,9 фоизи), молиявий (9,8 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (6,7 фоизи), таълим (4,6 фоизи) ва бошқа (2,8 фоизи) хизматларга тўғри келди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, уяли алоқа, “Интернет” тармоғидан фойдаланиш, кабель телевизион алоқаси, почта ва электрон алоқа хизматларини ўз ичига олган ҳолда ўтган йилга нисбатан (9,5 фоизга кўп), Молия хизматлари, банк, суғурта ва молиявий лизинг хизматларини ўз ичига олган ҳолда (23,4 фоизга кўп) ва Яшаш, овқатланиш хизматлари билан бирга (9,9 фоизга кўп) ўсиш юқори бўлди.

2017 йил январь-мартда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари куйидагича:



- Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари
- Молия хизматлари
- Транспорт хизматлари
- Яшаш ва овқатланиш хизматлари
- Савдо хизматлари
- Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар
- Таълим хизматлари
- Соғлиқни сақлаш хизматлари
- Ижара ва прокат хизматлари
- Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари
- Шахсий хизматлар
- Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар
- Бошқа турдаги хизматлар

Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1847,9 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 4,4 минг кишига ёки 0,2 фоизга кўпайди.

Ҳисобот даврида аҳолининг табиий ўсиши 5,2 минг кишини ташкил этди. 2017 йил январь-март ойида аҳолининг кўчиб келиш ва кўчиб кетиш миграция сальдоси, дастлабки маълумотларга кўра, - 0,8 минг кишини ташкил қилди. (Кўчиб келганлар 1,6 минг киши, кўчиб кетганлар 2,4 минг киши).

2017 йил январь-март ойида аҳолининг табиий ҳаракати қуйидагича ифодаланади:

	Минг нафар			Ҳар 1000 кишига	
	2016 йил	2017 йил*)	ўсиш, камайиш (+,-)	2016 й	2017 й*)
Туғилганлар	7,6	7,2	-0,4	16,9	15,9
Ўлганлар	1,8	2,0	0,2	4,0	4,4
шу жумладан бир ёшгача болалар**)	0,1	0,1	-	8,5	7,9
Табиий ўсиш	5,8	5,2	0,6	12,8	11,5
Никоҳлар	3,6	3,4	-0,2	8,0	7,4
Ажралишлар	0,4	0,5	0,1	0,9	1,1

2017 йилнинг январь-мартда туғилганлар сони 7,2 минг кишини ташкил қилди ва 2016 йилга нисбатан -0,4 минг кишига камайиб, туғилиш коэффициенти 1,0 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиш даражаси Вобкент туманида (17,5 дан 16,0 промиллега), Пешку туманида (17,0 дан 16,1 промиллега), Шофиркон туманида (16,6 дан 15,8 промиллега), Гиждувон туманида (18,6 дан 17,1 промиллега), Бухоро шаҳрида (14,9 дан 15,3 промиллега) кузатилди. Жорий йилда туғилишнинг энг паст даражаси Когон шаҳрида 13,7 промилле бўлгани кузатилди.

2017 йил январь-мартда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вилоят бўйича ўлганлар сони 2,0 минг кишини ташкил қилди. Ўлганлар сонининг кўпайиш ҳолати эса Олот туманида (3,6 дан 4,3 промиллега), Пешку туманида (3,4 дан 3,9 промиллега), Когон туманида (5,2 дан 5,4 промиллега), Қоракўл туманида (3,9 дан 4,3 промиллега), Жондор туманида (3,4 дан 4,0 промиллега) Вобкент туманида (4,4 дан 4,7 промиллега), Гиждувон туманида (4,3 дан 4,6 промиллега), Бухоро шаҳрида (4,6 дан 4,8 промиллега), Когон шаҳрида (4,4 дан 5,4 промиллега) кузатилди.

*)Дастлабки маълумот

***)ҳар 1000 туғилганларга

Энг кўп ўлим ҳоллари Когон шахрида (5,4 промилле) бўлиб, энг кам ўлим ҳоллари Қоровулбозор туманида (2,6 промилле) кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан қон айланиш системаси касалликларидан 1,2 минг та (62,5 фоизи), бахтсиз ҳодисалардан 0,1 минг та (4,8 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 0,1 минг та (5,0 фоизи), саратон касалликлари 0,2 минг та (8,2 фоизи) ва бошқа касалликлардан 0,4 мингта (19,5 фоизи) вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил 1 апрель ҳолатига бир ёшга тўлмай ўлган болалар сони 74 тани ташкил қилди. Гўдақлар ўлими 2016 йилнинг январь-мартида 8,5 промилле бўлиб, 2017 йил январь-мартида 7,9 промиллени ташкил этди.

Жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан 33 та (47,8 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 7 та (10,1 фоизи), юқумли ва паразитар касалликлардан 20 та (29,0 фоизи) вафот этган.


Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-мартида ФХДЁ органларида 3380 та никоҳлар ва 498 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 7,4 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида –3625 та) ва 1,1 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 402 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 1646 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 2452 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 806 кишига (2016 йилнинг шу даврида минус -431 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Бухоро шахрида (минус -201) Шофиркон туманида (минус -186), Ёжудувон (минус -251) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-мартда қуйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига



Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-мартга нисбатан 0,8 фоизга кўпайиб, 1070,5 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,9 фоизини ташкил қилди.

Вилоятда иш билан банд бўлганлар сони 823,7 минг кишини ташкил этди ва бу ўтган йилга нисбатан 0,1 фоизга ошди.

Нодавлат секторида банд бўлганлар улуши 2017 йилда ўтган йилга нисбатан 0,2 фоизга ошиб 82,1 фоизни ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-мартда меҳнат бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 3,2 минг фуқаро мурожаат қилди. Бу 2016 йил январь-мартга нисбатан -1,1 минг кишига ёки 25,6 фоизга камайди. Меҳнат бўлимларига иш қидириб мурожаат этганлар даражаси Бухоро шаҳрида (вилоят бўйича иш қидириб мурожаат этганлар умумий сонининг 18,4 фоизи), Когон шаҳрида (8,5 фоизи), Шофиркон (10,0 фоизи), Қоракўл (9,1 фоизи), Жондор (8,2 фоизи), Ғиждувон (7,1 фоизи) туманларида юқори бўлди.


Меҳнат бўлимларига мурожаат қилганлардан 2,7 минг фуқаро (барча мурожаат этганларнинг 84,4 фоизи) ишга жойлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 2016 йилнинг шу даврига 95,3 фоизни ташкил қилган.

2017 йил март ойининг охирида иш қидириш учун вилоят меҳнат бўлимларида ҳисобда турган аҳоли сони 383 кишини ташкил қилди. (2016 йил март ойининг охирида 135 киши бўлган.)

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турган аҳолининг аксарияти Бухоро шаҳрига (68 киши, жами рўйхатда турганларнинг 17,7 фоизи), Жондор туманига (48 киши, жами рўйхатда турганларнинг 12,5 фоизи), Шофиркон туманига (37 киши, вилоят миқёсида жами рўйхатда турганларнинг 9,7 фоизи) ва Пешку туманига (36 киши, жами рўйхатда турганларнинг 9,4 фоизи) тўғри келади.

Меҳнат бўлимлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(киши)



Меҳнат бўлимларида рўйхатга олинган иш билан банд бўлмаган фуқаролар умумий сонидан шу йилнинг март ойи охирига 271 киши ишсиз, деб эътироф этилган.

Меҳнат бош бошқармасининг маълумотларига кўра, 2017 йил январь-март ойида хизматлар соҳаси ва сервисни ривожлантириш мақсадли комплекс Дастурларини амалга ошириш доирасида, вилоят бўйича 9,4 минг иш жойлари ташкил қилинган.

Вилоят бўйича ташкил қилинган янги иш жойлари умумий сонининг 62,8 фоизи (5,9 мингта иш жойи) кишлоқ жойларга тўғри келади.